

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Турция)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR. (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
СОЛИЖНОВ Й. (Ўзбекистон)
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.

Жўрабоева Г.

Мусахҳиҳ: Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60

Сайт: www.fdu.uz

Босишга руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2021.

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Д.Аманов, С.И.СиражиддиновТүртинчи тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенглама учун
нолокал масала.....6**А.Оқбоев, Н.Муталлиев**Иккинчи тур бузиладиган гиперболик типдаги тенглама учун
силжишли масала.....14

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ

Ғ.Юлдашев, В.Исақов, У.Мирзаев, Х.ШокироваГидроморф тупроқларнинг антропоген омиллар таъсирида
эволюцияси.....20

КИМЁ

И.Аскаров, Ҳ.Исақов, О.Абдуллоев, Ш.Тураҳонов

Анор пўстлоғи таркибидан галл кислотасини олиш усуслари.....25

Ижтимоий-туманинтар фанлар

ТАРИХ

Лианг Юн, Н.Камбаров

Қанғ маданияти ҳақида хитойлик олимларнинг фикрлари.....30

Ф.Шамукарамова

Катта Фарғона каналининг қурилишида археологик назоратнинг аҳамияти.....43

У.АбдуллаевФарғона водийси ҳалқларида анъанавий дағн ва таъзия
маросимлари.....51**Т.Турсунмуратов**Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикаси билан таълим соҳасида ҳамкорлигининг
айrim хусусиятлари.....56**А.Алоҳунов**

“Хўжа”лар тоифасининг келиб чиқиш тарихидан.....61

Р.АтакановФарғона водийси қорақалпоқлари замонавий кийимларидаги анъанавий
жихатлар.....66**Д.Исмоилова, Н.Бердиев**

Туркистанда суд тизими тарихидан.....72

Р.АқбаровИккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек миллий матбуотининг жангчиларни
ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги роли.....78**Д.Элова**Бухоро ҳаво флотини ташкил этиш тадбирлари ва самолётлар кириб
келиши тарихидан.....85**Э.Ғуломов**

Ўзбекистон Республикасида 1994 йилги Олий Мажлис сайловига тайёргарлик.....89

ТАРИХ

УДК: 392/395.397

**ФАРГОНА ВОДИЙСИ ХАЛҚЛАРИДА АНЪАНАВИЙ ДаФН ВА ТАЪЗИЯ
МАРОСИМЛАРИ**
(Этнографик материаллар таҳлили)

**ТРАДИЦИОННЫЕ ПОХОРОННО-ПОМИНАЛЬНЫЕ ОБРЯДЫ НАРОДОВ
ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ**
(Анализ этнографических материалов)

FUNERAL RITES OF PEOPLES OF FERGANA VALLEY
(Analysis of ethnographic materials)

Абдуллаев Улуғбек Сайданович

Абдуллаев Улуғбек Сайданович

– Андижон машинасозлик институти профессори,
тарих фанлари доктори.

Аннотация

Мақолада Фарғона водийси халқларининг анъанавий дафн ва таъзия билан боғлиқ урф-одат ҳамда маросимлари ўрганилган. Унда турли хил этник жамоаларда кўриб чиқилаётган масалага оид материаллар ўзаро қиёсий таҳлил қилинган.

Аннотация

В статье изучены традиционные обряды и обычаи народов Ферганской долины, связанные с похоронами и поминками. Сравнительно проанализированы материалы по изучаемым вопросам в различных этнических общинах.

Annotation

The article examines the traditional burial and ritual ceremonies of the peoples of Fergana Valley. It provides a comparative analysis of the material on different ethnic groups.

Таянч сўз ва иборалар: Фарғона водийси, ўтроқ аҳоли, кўчманчи халқлар, дафн ва таъзия маросимлари, урф-одат, диний эътиқодлар.

Ключевые слова и выражения: Ферганская долина, оседлое население, кочевое население, похоронные и поминальные обычаи, традиция, религиозные верования.

Keywords and expressions: Fergana Valley, sedentary population, nomadic peoples, funerals and condolences, customs, religious beliefs.

Бугунги кунгача Фарғона водийси материаллари асосида халқимизнинг дафн ва таъзия маросимлари кам ўрганилган. Шу сабаб, оиласвий урф-одат тизимидағи ушбу ижтимоий ҳодисанинг генезисини, мазмун-моҳиятини ва трансформациясини этнослараро муносабатлар контекстида таҳлил қилиш этнография фанидаги муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Дунёнинг барча халқларида оиласда фарзанд туғилиши ва никоҳ тўйи билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар кўтаринки, хушвақтлик кайфиятида ўтказилган. Инсон ўлимига боғлиқ ўтказиладиган расм-русум ва маросимлар эса, аксинча, тушкунлик, ғамгин руҳий ҳолатда бажарилган. Бундай руҳий ҳолат аҳолининг барча ижтимоий ва этник гуруҳлари учун хос бўлган хусусиятдир.

Анъанавий дафн маросимлар ва

марҳумни хотиралаш билан боғлиқ ҳолда ўтказиладиган расм-русум ва иримларнинг яна бир ўзига хос жиҳати, – бу, уларда диний тассавурларни, айниқса, анимистик тушунчаларнинг нисбатан қатъий сақланиб қолганлигидир.

Маълумки, инсон ҳаёти боқий эмас, ўлим ҳақдир. Бироқ марҳумлар хотираси абадийдир. Зоро, бу абадият аждодларимизнинг марҳумларни хотирлаш, руҳини эъзозлаш билан боғлиқ расм-русум ва маросимларида ўз ифодасини топган. Ўзбек, тоҷик, қирғиз ва бошқа Ўрта Осиё халқларининг инсон ўлими, уни дафн қилиш ва хотирлаш билан боғлиқ расм-русум ва маросимларини ҳам шартли равишда уч босқичга ажратиб кўрсатиш мумкин. Чунончи, биринчи босқич, ўлим билан боғлиқ урф-одат ва расм-русумлар. Бунга васият, жон узилиши вақтида

бажариладиган расм-русум ва иримлар, жасадни тартибга келтириш ҳамда мархумни «мехмон қилиш» одатини киритиш мумкин. *Иккинчи босқич*, амалга ошириладиган расм-русумлар бевосита майитни қабрга қўйиш тартиби ва иримлар билан боғлиkdir. Учинчи босқичга эса азадорлик ҳамда мархумни хотирлаш билан боғлиқ ҳолда ўтказиладиган кўплаб расм-русум ва маросимлар киради.

Урф-одат ва маросимларни бу каби босқичларга ажратиш уларнинг кетма-кет бажарилиши принципига асосланади. Фарғона водийси аҳолисининг XIX-XX аср бошларига хос дафн ва у билан боғлиқ расм-русум ва маросимларининг бир қатор жиҳатлари айrim тадқиқотчиларнинг ишларида ёритилган [1]. Умуман, водийликларнинг бу каби урф-одат ва маросимлари бошқа тарихий-этнографик худуддаги ҳалқларники билан ўхшаш. Бу табиий ҳол. Негаки, Ўрта Осиё ҳалқларининг маданияти, жумладан, дафн маросимлари ҳам асрлар давомида муайян тарихий-маданий муҳит шароитида ўзаро этномаданий алоқалар натижасида шаклланган.

Шу билан бирга, водийликларнинг инсон ўлими, дафн ва мархумни хотирлаш билан боғлиқ анънавий расм-русум ва маросимларида айrim этник жиҳатлар ҳам сақланиб қолган. Биз қўйида ушбу соҳадаги этник ва умуммintaқавий хусусиятларни намоён бўлишига доир бир неча мисолларни келтириб ўтамиз.

Ҳалқ орасида инсоннинг тўсатдан, тасодифий ҳолда вафот этиши «бевақт ўлим» деб аталса, бетоб ҳолда ўлишига нисбатан эса «ўз ажали билан» вафот этди каби ибора ишлатилади. Ҳар иккала ҳолда ҳам барча этник жамоаларда ўлим билан боғлиқ турли хилдаги расм-русум ва маросимлар бажо келтирилади. Жумладан, Фарғона водийсининг деярли барча ҳалқларида бемор «оғирлашиб» қолса, у ётган хонадан озиқ-овқат маҳсулотлари ва ҳатто идиш-анжомларни олиб чиқиб қўйиш одати бўлган. Гўёки, жон бераётган кишининг кўз илғамас қони ушбу нарсаларга сачрар эмиш. Бу каби

тушунча ва одат Ўрта Осиёning кўплаб ҳалқларида учрайди[2].

Маҳаллий ҳалқларнинг барчасида умри поёнига етаётган бемор ҳузурига масжид имоми ёки мулла чорланган. Агар бемор аёл киши бўлса, аксарият ҳолларда отинча (отин ойи) таклиф қилинган. Ҳар икки ҳолда ҳам Қуръони каримнинг «Ёсин» сураси ўқилиб, имон келтириб турилган. Жон танани тарқ этиши билан ўзига хос турли расм-русумлар адо этилган. Барча этник жамоаларда бемор жони танани тарқ этгач овоз чиқариб, айтиб йиғлаш одат бўлган.

Майитни тартибга келтириш борасида ҳам умумий ва этник жиҳатлар кўзга ташланади. Умумийлик шундаки, водийнинг барча этник жамоаларида майитнинг жағ суюги танғиб қўйилган. Ўтмишда водийнинг шаҳар ва шаҳар олди ўтрок аҳолисида майит маҳсус ғассоллар томонидан покланган. Чорвадор бўлган яримкўчманчи ва яримўтрок фарғоналикларда бундай «қасб»даги кишилар бўлмай, бу юмуш яқинлари, маҳалла (овул)дошлари томонидан адо этилган.

Шариат талабларига кўра инсон вафот этган шу куннинг ўзидаёқ жаноза ўқилиб, дафн этилиши лозим. Турмуш тарзида ислом дини чуқур илдиз отган ўтрок ўзбек, тоҷик, уйғурлар XIX аср охири – XX бошларида бу талабларга қатъий риоя қилганлар. Фақат фавқулодда ҳоллардагина майит «тунаб қолган».

Бироқ яримкўчманчи қирғизларда ҳамда яримўтрок ўзбек уруғларида майит, албатта, бир кун сақланган. Бундан ташқари, ўтмишда қирғиз, қозоқ ва айrim яримкўчманчи ўзбек уруғларида майит учун маҳсус қора-ўтов тикиш одати ҳам бўлган. Бу одат XX аср бошларига келиб ҳам Фарғона водийсининг тоғ ва тоғолди худудларида яримкўчманчи аҳолида сақланиб қолган эди [3]. Бу даврда водийнинг тоғ ва тоғолди худудларида яшаётган қирғиз уруғларида бошқа яна бир одат – «қора уй» гумбазига мотам рамзи сифатида «желек» – байроқ тикиш удуми ҳам сақланиб қолган эди.[4] Агар марҳум ёш бўлса, қизил рангдаги, ўрта

ТАРИХ

ёшда бўлса қора рангдаги ва, ниҳоят, кекса бўлса, оқ рангдаги байроқ (желек) тикилган[5]. Бу одат ўтмишда бошқа чорвадор халқларда ҳам учрайди [6].

Мархум дафн қилинган кундан бошлаб уч кун мобайнида водийнинг аксарият ўтроқ аҳоли хонадонларида иссиқ овқат тайёрланмаган. Бу кунларда қўшилар томонидан мархум хонадонига иссиқ овқат чиқариб турилган. Тўғри, кўплаб қишлоқларда майит олиб чиқиб кетилгач, маросим таоми – ҳолвайтар тайёрланган. Бу таом фақат аёлларга тарқатилган [7].

Бироқ, бу масала юзасидан илмий адабиётларни таҳлил этиш ва дала материалларидан аён бўладики, баъзи бир қишлоқларда дафн қилинган кунда мархум хонадонида палов (ош) дамланган. Бу палов маросими таом ҳисобланиб, аҳоли орасида «қора ош», тожикларда эса «оши сиёҳ», деб номланган.

Майит дафн қилинган кундаёқ курбонлик қилиш ва таом тайёрлаб маросим қатнашчиларига улашиш чорвадор халқларнинг азалий одатларидир. Водийлик қирғиз, қипчоқ, қурама, турк ва бошқа яримкўчманчи ва яримўтроқ аҳоли ҳам мархум дафн қилинган кунининг ўзидаёқ от ёки қорамол сўйганлар. Унинг гўшти пиширилиб, таъзияга келганларга тортилган. Айни вақтда шуни ҳам айтиш керакки, яримкўчманчи (яримўтроқ) аҳоли ўтроқликка ўтиши билан уларнинг баъзи бир қишлоқларida, ўтроқ аҳоли таъсирида мархум чиқсан хонадонда уч кун мобайнида таом тайёрламаслик одатига амал қилина бошланди.

Кўчманчилик турмуш тарзи ва хўжалик йўналишининг чорвачиликка ихтисослашуви бу халқларда яна бир қатор анъанавий бошқа удумларнинг сақланиб қолишига имкон туғдирган. Бундай удумлардан бири дафн маросимида қатнашиш учун олисдан келган уруғдошларга кўноқ оши тортиш одатидир. Бу одат бўйича олисдан келган қариндошлар учун алоҳида кўй ёки бошқа ҳайвон сўйилиб, ундан таом тайёрланган. Бошқа бир одатга кўра, чорвадор халқларда мусулмон дунёсида кенг тарқалган «мархумнинг гуноҳини сотиб

олиш» одатига кўра, мархумнинг гуноҳларини ўз бўйнига олган кимсага тuya va от ҳадя қилиш одати кенг тарқалган эди. Бу одат аҳоли орасида «давра солиши» маросими, деб юритилган [2,147].

Маълумки, инсон вафот этиши биланоқ унинг яқинлари учун азадорлик ҳолати кучга кирган. Аза тутиш ислом динидаги барча халқларда, жумладан, фарғоналикларда ҳам маълум бир умумий расм-русларга асосланган. Мархумнинг яқин аёл қариндош-уруғлари аза либосини кийганлар. Шу ўринда айтиб ўтиш ўринлики, водийнинг турли этник жамоаларида аза кийимларида муайян бир фарқлар кўзга ташланади. Чунончи, водийнинг аксарият ўтроқ аҳолисида аёллар азадорлик рамзи сифатида кўк ёки ҳаворанг кўйлак кийганлар. Эр-хотин Налиқинлар фарғоналиқ ўтроқ аҳолида аёллар азадорлик белгиси сифатида кўк кўйлак ва унинг устидан қора рангдаги халатни кийганлигини айтиб ўтадилар [1,234]. Умуман, кўк рангга мотам, азадорлик рамзи деб қараш кўплаб ҳолларда учрайди [8]. Айни вақтда мусулмон аёллари азадорлик рамзи сифатида бошқа рангдаги кўйлакларини ҳам кийганлар. Масалан, Фарғона вилоятидаги Аввал қишлоғида яшаган аёллар отаси вафот этса, қора матодан, онаси вафот этса, кўк матодан азадорлик кўйлагини кийганлар [2,148]. М.С.Андреев гувоҳлик беришича, Наманган вилояти Косон туманида яшовчи тожикларда эри ўлган аёл қора матодан, бошқа азадорлар эса кўк рангдан кўйлак кийганлар [3,115]. Дарвоқе, Фарғона водийси аҳолиси орасида азадор аёлларга нисбатан ҳозирда ҳам «кўк кийди», «кўки бор» каби иборалар ишлатилади. Водийлик қирғизларда бу удум ўзига хос тарзда намоён бўлади. Жанубий қирғизларда эри ўлган аёл қора кўйлак ва қора камзул кийган. Ушбу этник жамоаларда қизил ранг ҳам мотам рамзи ҳисобланган. Бева аёл азадорлик белгиси сифатида аксарият ҳолларда пешонасини қизил рангли дурра билан боғлаб олган [6,69]. Таъзияда иштирок қилаётган аёлларга ҳам шу рангдаги рўмол, эркакларга эса чорси (белбоғ) улашилган.

Азадорлик нафақат кийимларида, балки мархум яқинларининг турмуш

тарзида ҳам намоён бўлади. Азадорлик ўйин-кулги, хурсандчилик ва тўй-томоша, байрамларда иштирок қилишлари марҳум хотирасига нисбатан ҳурматсизлик деб баҳоланган. Эркаклар махсус аза кийимларини узоқ вақт кийиб юрмасаларда, юқоридаги удумга риоя қилган ҳолда, соч-соқолларини олдирмаганлар. Қирғизлар азадорлик белгиси сифатида ҳатто тирнокларини ҳам олмаганлар [6,69].

Аза тутиш муддати ҳам марҳумга қариндошлиқ даражасидан келиб чиқиб, турли вақтга қадар чўзилган. Марҳумнинг яқин аёл қариндошлари (онаси, хотини, опа-синглиси) учун бу ҳолат одатда вафот этган кишининг «йили», «йил оши»га қадар давом этган. Айrim ҳолларда эса аёллар ихтиёрий равишда икки-уч йилга қадар ҳам аза тутганлар. Сўхлик тожикларда аёл кишиларнинг азадорлик даври ҳатто етти йилга қадар чўзилган [2,148]. Ислом дини бу қадар узоқ муддат аза тутишликни маъқул ҳисобланмайди. Ҳадисда айтилишича, «Оллоҳга ва охират кунига ишонган аёлнинг ўликка уч кундан ортиқ аза тутмоғи макруҳdir, эри ўлсагина тўрт ой-ю уч кун мотамда бўлғайдир» [9,346]. Гап бу ерда аёл киши томонидан «идда» («иддат») сақлаш тартиби ҳақида кетмоқда. Шариат бўйича эри ўлган аёлга тўрт ой-ю уч кун муддат бошқа эркакка турмушга чиқиши тақиқланади. Негаки, бу муддат ичida аёл кишининг марҳум эридан ҳомиласи бор ёки йўқлиги аниқланган. Агарда у ҳомиладор бўлса, фарзанд туғилгунга қадар бошқа эркак билан никоҳланиши ман қилинади.

Аза тутиш билан боғлиқ расм-руслар бевосита марҳумни хотирлашга доир маросимлар билан кўшилиб кетган. Марҳумни хотирлаш билан боғлиқ ҳолдаги маросимлар эса анчагина. Булар ичida марҳумнинг «учи», «теттиси», «йигирмаси», «қирқи» ва «йили», деб номланувчи маросимлар асосийларидир.

Бундан ташқари, ўтмишда бир йилга қадар ва ундан кейинги даврда ҳам марҳумнинг рухига бағишилаб ўтказиладиган «пайшанбалик», «маърака», «оқ кийди», «қада» каби маросимлар ҳам алоҳида аҳамият касб

қилган. Айниқса, мусулмончилик фарзларидан бири саналган рўзанинг тугаши билан нишонланадиган байрамларда марҳум хотирасига бағишилаб алоҳида маросим ўтказилган. Айrim дараҳтларнинг гуллаши, қовун пишиги, илк бор қор ёғиши билан боғлиқ ҳолда ҳам водийнинг ўтроқ аҳолисида марҳумни ўзига хос тарзда хотиралаш маросимлари ташкил этилган [10].

Шу ва шу каби расм-руслар ва маросимларни ўтказишида ҳам биз этник ўзига хослик билан бирга этнослараро алоқаларни намоён бўлишини кузатдик. Масалан, илк бор атиргул очилганда, қовун пишганда ёки биринчи бор қор ёққанда марҳум хотирасига бағишилаб маросим ўтказиш, юқорида таъкидлаганимиздек, азалий дехқончилик билан шуғулланувчи ҳалқлар учун хосдир. Лекин XIX–XX аср бошларида бу каби маросимлар водийнинг ўтроқлашган қирғиз этник гурӯхлари орасида ҳам оммалашдик, бу, шубҳасиз, этномаданий алоқаларнинг оқибатидир. Зеро, дараҳт гуллари, полиз экинларнинг етилиб пишиши ҳамда қор ёғиши билан боғлиқ марҳум рухига бағишилаб бундай махсус маросимларни ўтказиш кўчманчи чорвадор ҳалқлар учун, жумладан, қирғизлар учун анъанавий ҳисобланмайди.

Умуман, азалий чорвадор ҳалқларнинг марҳумни хотиралаш билан боғлиқ бундай расм-руслар ва маросимларида кўчманчилик турмуш тарзига хос бўлган бир қанча жиҳатлар акс этиб туради. Маълумки, марҳум вафот этганига бир йил тўлиши барча ҳалқларда катта эътибор билан қайд этилади. Деярли барча этник жамоалар ушбу санани ўзига хос расм-руслар ва маросимлар билан нишонлаганлар. Марҳум рухига бағишилаб қурбонлик қилганлар ва турли хилдаги маросими таомлар тайёрланиб, исломий ёки исломлашган ирим ва расм-руслар адo этилган. Ўтмишда чорвадор ҳалқларда марҳумнинг йилига бағишилаб ўтказилаётган маросимда пойга, улоқ, кураш каби анъанавий ҳалқ ўйинларини ўюстириш одати кенг тарқалган эди [11,175-178]. Бундай оммавий томошалар,

ТАРИХ

албатта, катта сарф-харажат талаб қилган. Шу сабаб бундай тадбирларни, асосан, ўзига тўқ ва бой хўжаликларгина ташкил эта олганлар, албатта.

Хуллас, юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, XIX-XX аср бошларида Ўрта Осиё худудида, жумладан, Фарфона водийсида яшаётган ўзбек, тожик, қирғиз, уйғур, қорақалпоқ ва бошқа маҳаллий этник жамоаларнинг оиласиий урф-одат ва маросимларида, хусусан, дафн маросимларида умумий жиҳатлар устувор эди. Бундай ўхшашлик ўзининг тарихий асосларига эга бўлиб, бу,

ушбу халқларнинг этногенези ва этник тарихи бир эканлиги, уларнинг маданиятлари ягона этномаданий муҳитда шаклланганлиги билан изоҳланади.

Хуллас, Фарфона водийси халқларининг анъанавий дафн ва таъзия маросимларини таҳлил қилишдан аён бўладики, яқин ўтмишда ҳам қадимги даврларга хос бўлган бир қатор архаик элементлар барча этник жамоалар турмуш тарзида нафақат сақланиб қолган эди, балки муҳим аҳамият касб этган.

Адабиётлар:

1. Наливкин В., Наливкина М. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. Казань — 1886 г.; Ершов Н.И. Похороны и поминки у таджиков Исфары // Этнография Таджикистана.-Душанбе 1985. С.48-54; Аширов А.А. (Ўзбек халқи мотам маросимида зардуштийлик излари // O'zbekiston tarixi.-2002.-№1, Турсунов Б.Р. Особенности семьи, семейных обрядов населения Ферганской долины в XX веке (на примере Конибодомского оазиса).: Афтореф. дисс. ... к.и.н. -Т., 2002.
2. Кармышева Б. Х. Архаическая символика в погребально-поминальной обрядности узбеков Ферганы // Древние обряды, верования и культуры народов Средней Азии. -М.: Наука, 1986.
3. Андреев М.С. Таджики долины Хуф. (Верховья Аму-Дарьи). Выпуск I. Научное издание. — Сталинабад: Издательство Академии наук Таджикской ССР, 1953. Рахимов М. Обычаи и обряды, связанные со смертью и похороны у таджиков Куюбикой // ИООН. АН ТаджССР. Вып. 3.-Душанбе, 1953.
4. Дала ёзувлари. 2002. Андикон вилояти, Жалолқудуқ тумани.
5. Дала ёзувлари. 2002. Наманган вилояти. Чуст тумани Ғова қишлоғи.
6. Баялиева Т.Д. Доисламские верования и их пережитки у киргизов. Ф.— 1972 г.
7. Дала ёзувлари. 2002. Андикон вилояти Ҳўжаобод тумани.
8. Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг.-Т., 1990.
9. Насриддинов Қ. Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги "Халқ мероси" нашриёти, 1996 г.
10. Исмоил ал – Бухарий. Ҳадис, 1-китоб.-Т., 1991.
11. Юқоридаги маросимлар ҳақида қаранг: Таджики Карагина и Дарваза. С. 155-162; Насриддинов Қ. Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари...; Бўриев О., Шоймардонов И., Насриддинов И. Ўзбек оиласи тарихидан.-Т., 1995.
12. Ушбу оммавий томошалар ҳақида батафсил қаранг: Шаниязов К. Узбеки - карлуки : (Ист.-этногр. очерк) / Акад. наук УзССР. Ин-т истории и археологии. – Т. : Наука, 1964.

(Тақризчи: Б.Усманов – тарих фанлари доктори, профессор)